

<b>Мавзу</b>	<b>Кириш. Машинасозликда кесиб ишлашнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида тутган ўрни, ривожланиши, вазифаси. Кесиб ишлаш турлари тўғрисида тушунча.</b>
--------------	---

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти</i> - 2 соат	Талабалар сони: 30 – 60 гача	
<i>Машғулот шакли</i>	Кириш-ахборотли маъруза	
<i>Маъруза режаси</i>	1. Кириш. Материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва станоклар фанининг мақсад ва вазифаси. 2. Материалларни кесиб ишлашнинг ривожланиш тарихи. 3. Кесиб ишлаш турлари тўғрисида тушунча	
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Машинасозликда материалларни кесиб ишлаш тўғрисида маълумот бериш.		
<b><i>Педагогик вазифалар:</i></b>	<b><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фанга кириш ҳамда материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва станоклар фанининг мақсади, вазифаларини шарҳлаб бериш.</li> <li>• Материалларни кесиб ишлашнинг ривожланиш тарихи билан таништиради.</li> <li>• Кесиб ишлаш турлари тўғрисида маълумот бериш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фанга кириш ҳамда материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва станоклар фанининг мақсад, вазифалари ҳақида тушунчалар олишади.</li> <li>• Материалларни кесиб ишлашнинг ривожланиш тарихи билан танишиб олишади.</li> <li>• Кесиб ишлаш турлари тўғрисида маълумотлар олади.</li> </ul>	
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Маъруза, кўргазмали, “Инсерт” технологияси	
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий	
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор	
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

### 1.2. “Кириш. Машинасозликда кесиб ишлашнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида тутган ўрни, ривожланиши, вазифаси. Кесиб ишлаш турлари тўғрисида тушунча.” маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Фан бўйича ўқув мазмунларни тайёрлаш 2. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 3. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 4. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 5. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	

1. Фанга кириш (15 дақиқа)	1.1 Ўқув курси номини айтади ҳамда фаннинг мақсад ва вазифасини тушунтиради. (1-илова) 1.2. Курс бўйича фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар руйхати билан таништиради. (2-илова) 1.3. Баҳолаш мезонларини тушунтирилади (3-илова) 1.4. Ўқув курсига кириш (4-илова)	<b>Тинглайдилар, Ёзадилар.</b>
2. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	2.1. Биринчи машғулот мавзуси ва унинг режаси билан таништиради. (5-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзадилар.</b>
3-босқич Асосий босқич (45 дақиқа)	3.1. Материалларни кесиб ишлашнинг ривожланиш тарихи тўғрисида умумий тушунчаларни тушунтириб беради (6-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	3.2. Кесиб ишлаш турлари тўғрисида тушунчалар берувчи слайдлар намоиши орқали маълумотлар беради. (7-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	3.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Инсерт” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Кўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (9-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.</b>
4. Якуний босқич (10 дақиқа)	4.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 4.2. Мустақил таълим учун “Материалларни кесиб ишлашдаги кесиш режимлари” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Тинглайдилар, саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</b>